

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 28-avgust, payshanba

35 (9355)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МАҚСАД – ИНСОНГА ЭЪТИБОР,
УНИНГ ҚАДРИНИ, МЕХНАТИНИ
УЛУҒЛАШ, ИЗЗАТ-ҚУРМАТИНИ
ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз турт йиллиги муносабати билан турли соҳалар вакиллари фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Тошкент шаҳрида 27 август куни ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари барчани, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклади. Мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди.

– Янги Ўзбекистонда ортга қайтмас тус олган ислохотларимиз қандай улкан натижалар бераётганини барчамиз кўриб турибмиз. Ўтган саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз шиддат билан ўсиб, 115 миллиард долларга етди. Бугун битта рақамни биринчи марта айтимоқчиман: Халқаро валюта жамғармаси прогнозига кўра, бу йил иқтисодийимиз ҳажми 130 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Яъни, илгари бундай ўсиш, бундай юксак эътироф ҳеч қачон бўлмаган, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай натижаларга тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, замонавий саноат мажмуалари барпо этилаётгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтилиб, муқобил энергия манбалари яратилаётгани, ахборот технологиялари, туризм ва молиявий технологиялар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилаётгани замин бўлмоқда.

Юртимизда замонавий шаҳарлар қад кўтармоқда, қишлоқ ва маҳаллалар обод бўлмоқда. Ўтган саккиз йилда аҳоли учун 500 мингга яқин квартиралар кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу мустақилликнинг дастлабки 25 йилига нисбатан тўрт карра кўп. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқларни, йўللарни обод қилиш учун 60 триллион сўм маблағ сарфланди. Ёки, 130 миллиард доллар хорижий сармоя кириб келди, 100 мингдан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 7 миллиондан зиёд аҳоли даромадли бўлди.

– Бундай улкан тарихий ютуқларимиз

– ўз вақтида чуқур ўйлаб олиб борган кенг қўламли ислохотларимиз, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгаргани самараси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Қураётган биноларимиз, замонавий мажмуалар, қўлай уй-жойлар, мактаб ва боғчалар, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари мисолида Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва улкан бунёдкорлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Асосийси, қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир ютуқ ва натижа, аввало, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги саккиз йилда ижтимоий инфратузилмага олдинги йилларга нисбатан олти карра кўп маблағ йўналтирилди. Натижада боғча ўринлари 720 мингдан 2,5 миллионга етказилди. 466 та янги мактаб қурилиб, 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Талабалар сони 279 мингдан 1,5 миллион нафарга оширилиб, олий таълимда қамров 42 фоизга олиб чиқилди.

Ўтган ҳафтада Тадбиркорлар куни муносабати билан 168 нафар энг илғор бизнес вакиллари, миришкор деҳқон ва фермерлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани қайд этилди.

– Бундай фидойи юртдошларимиз, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан чарчамайман. Албатта, бу бежиз эмас. Яхши биласиз, олдинлари асосан хомашё экспорт қилар эдик. Барча тармоқларни трансформация қилганимиз ҳисобига, саноат ҳажмини 2017 йилги 29 миллиарддан 70 миллиард долларга етказдик. Агар вақтида тадбиркорлик учун қўлай шароитлар яратиб бермасак, бундай ютуқларга эриша олармидик? Йўқ, албатта, – деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 2-саҳифада)



Тошкент давлат аграр университети:

Янги имкониятлар ва
ривожланиш истиқболлари

Бугун муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аграр соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳа ривожига эса бевосита юқори малакали кадрларни тайёрлаш муҳим ўрин тутди.



Жаҳон миқёсида аграр соҳанинг аҳамияти ортиб бораётган бугунги кунда Тошкент давлат аграр университети мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий изланишлар олиб бориш ва соҳага инновацион технологияларни жорий этиш бўйича асосий таълим масканларидан бири саналади. Сўнгги йилларда университетда таълим сифатини ошириш, қабул жараёнларини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва талабаларнинг амалий қўникмаларини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. Масалан, иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва университетнинг жозибадорлиги



ни ошириш мақсадида 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб 6 та янги таълим йўналиши (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Электр муҳандислиги, Ер кадастри ва ер тузиш, Ветеринария санитария экспертизаси, Менежмент, Метеорология ва иқлимшунослик) ҳамда 2025-2026 ўқув йилида яна 2 та таълим йўналиши (Агромуҳандислик, Агроф-муҳит муҳандислиги) ташкил этилди. Магистратура мутахассисликлари бўйича ҳам 2024-2025 ўқув йилида 16 та янги мутахассислик ҳамда 2025-2026 ўқув йилида эса кундузги, кечки ва масофавий таълим шакллари бўйича 14 та мутахассислик ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ПАРКЕНТДА
анъанавий
халқаро
узум сайли

БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМКИ, УЗУМЧИЛИК СОҲАСИ ХАЛҚИМИЗНИНГ АСРЛАР ДАВОМИДАГИ МИЛЛИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ, ҚАДРИЯТИ. ҲУРУРИ ВА ДАРОМАДИ МАНБАИ БЎЛИБ КЕЛГАН. ЭНГ МУҲИМИ, УЗУМ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ЖУДА ФОЙДАЛИ ВИТАМИНЛАР ВА МИНЕРАЛЛАР ХАЗИНАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ БОИС, БУ СОҲА ҚАДИМ-ҚАДИМДАН МИЛЛИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИГИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРГА МОЛИК СОҲАСИ СИФАТИДА ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН АРДОҚЛАНИБ, РИВОЖЛАНТИРИЛИБ КЕЛИНГАН. БУНДАН ТАШҚАРИ, У ИҚТИСОДИЙ ДАРОМАД МАНБАИ СИФАТИДА ҲАМ АҲАМИЯТГА ЭГА СОҲАДИР.



Мамлакатимизда узумчилик ва виночилик саноатини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқаро ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида Президентимизнинг 2023 йил 3 августдаги “2023-2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Халқаро “Узум сайли” фестивалини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

2023 йилдан буён Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида анъанавий тарзда

ўтказиб келинаётган Халқаро узум сайли соҳани янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, янги узум навларини яратиш, соҳада инновацион технологияларни қўллаш каби кўплаб ёруғ мақсадларга қаратилган.

Жорий йилнинг 22-23 август кунлари Заркент қишлоғида ўтказилган анъанавий халқаро узум сайлида республикаимизнинг 12 та вилоятларидан ташриф буюрган фермер хўжаликлари, боғдорчилик, вино заводлари, табиий ичимлик, шарбатлар ва шарбат концентратлари ишлаб чиқариш корхоналари экспозициялари, шунингдек, Италия виночилик уюшмаси раҳбари Леонардо Коммучи, Флоренция Халқаро маркетинг ва вино уюшмаси директори Луциана Цао, Туркия давлатининг Каппадокия университети профессори Халибурак Сакал, шунингдек Индонезия, Туркия, Сербия, Россия, Корея, Сингапур, Беларус, Грузия, Озарбайжон каби 30 дан ортиқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар, экспертлар ва соҳанинг йирик намоёндалари ҳамда юртимиздаги қишлоқ хўжалиги, инвестиция, саноат ва савдо вазирликлари, вилоятлар ҳокимликлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихона ва дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

34 йил –
ТАРИХ УЧУН ҚИСҚА,
АММО ХАЛҚ УЧУН
БУЮК ДАВР



МУСТАҚИЛЛИК БУ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ УЛУҒ ОРЗУСИ, АСРИЙ ИНТИЛИШЛАРИ САМАРАСИДИР. ЎЗБЕКИСТОН 34 ЙИЛ АВВАЛ ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚўЛГА КИРИТГАНИДА, ОЛДИМИЗДА БЕҚИЁС МАСЪУЛИЯТЛИ ЙЎЛ ТУРГАН ЭДИ. ТАРИХ УЧУН БУ ДАВР ҚИСҚА БЎЛИШИ МУМКИН, АММО ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ, ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН БУ УЛКАН ДАВР, БУЮК СИНОВЛАР ВА ЮТУҚЛАР ДАВРИ БЎЛДИ. ЎТГАН ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА ТУБДАН ЯНГИЛАНДИ. ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПДИ. ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА ЭРКИНЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ИШОНЧ ТУЙҒУСИ МУСТАҲҚАМЛАНДИ.

(Давоми 3-саҳифада)

ХУШ КЕЛИБСИЗЛАР

Ажиб табиати Тошкент воҳасин, Ютуқлари кўпдир – барчага манзур. Узумла машҳури Паркент бўлса гар, Қўйичирчиқнинг балиғи машҳур.

“Ризамат”, “Кишмиши” ўсар бизда ҳам, Асалдай “Хусайни”, “Келин бармоғи”. Донғини таратар Қўйичирчиқнинг, Буғдойи, пахтаси, ҳар бир тармоғи.

Паркент тоғига хуш келибсизлар, Заркент боғига хуш келибсизлар, Тошкент вилоятин кенг воҳасидан, Узум сайлигаей, хуш келибсизлар.

Олмалиқ азизим, олтинга коним, Окқўрғону, Чиноз – мангу илҳомим. Бўкаю, Пискентда яшнаган жоним, Қаддини кўтарар чўнг Нурафшоним.

Янгийўл, Бекобод, шаҳарга қиёс, Қибрайда яшнайди, олмою гилос. Ўрта Чирчиқимда сабаза уради: Тенги йўқ қулуннай, картошка пиёз,

Паркент тоғига хуш келибсизлар, Заркент боғига хуш келибсизлар, Тошкент вилоятин кенг воҳасидан, Узум сайлигаей, хуш келибсизлар.

Обид СЎФИХОНОВ

МАҚСАД – ИНСОНГА ЭЪТИБОР, УНИНГ ҚАДРИНИ, МЕХНАТИНИ УЛУГЛАШ, ИЗЗАТ-ХУРМАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ

(Боши 1-саҳифада)

Таъкидланганидек, бугун бизнес вакиллари иқтисодиётимизнинг чинакам таянчига айланди. Биргина қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, бу йўналиш олдин ҳеч қачон ҳозиргидек жадал ривожланмаган. Илгари қурилишлар фақат давлат буюртмаси асосида бўлар эди. Бугун хусусий қурилиш компаниялари сони 30 мингдан ошди, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 6 миллиард долларга яқинлашди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон том маънода улкан қурилишлар майдонига айланди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 21 миллиард долларлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу 2017 йилга нисбатан уч карра кўп.

Бундай улкан ўзгаришларни қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника, машинасозлик, фармацевтика каби йўналишларда ҳам қуриш мумкин.

Мамлакатимизда фақат саноат билан чекланиб қолмасдан, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бериллаётгани таъкидланди.

– Авваллари 500 миллион долларга етмаган туризм экспорти ҳозир 3 миллиард долларлик маррадан ошди. Етти-саккиз йил олдин ИТ экспорти 1 миллиард долларга етди, деса, бунга ким ишонарди? Энг муҳими, барча тармоқларга янги

илм, замонавий технологиялар кириб келди. Уларда юз минглаб иш ўринлари ва юқори малакали кадрлар армияси пайдо бўлди. Ҳар бир соҳада Янги Ўзбекистоннинг ўз стратегияси, тажриба мактаби шаклланди. Мамлакатимизнинг ана шундай янги тарихи, янги қиёфасини яратишда бутун халқимиз қатори сиз, азиялarning ҳам муносиб ҳиссангиз бор ва бунинг учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

Шундан сўнг, мукофотланганларга фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

– Миллий истиқлолиятимизнинг энг буюк мақсади инсонга эътибор, унинг қадрини, меҳнатини улуғлаш, олижаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат. Бунинг учун дақиқаларда барчамиз янада чуқур ҳис этмоқдамиз. Ўз меҳнати билан мана шундай кадр топиш, эл-юрт назарида бўлишдек буюк бахт сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, – деди Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, халқимизга эзгу тилаklarини баён этди.

ЎЗА

Ирригация тизимларида

НАСОС СТАНЦИЯЛАР ОРҚАЛИ БЕЛГИЛАНГАН СУВ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ БЕРУНИЙ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИ ҲИСОБИДА 53 ТА НАСОС СТАНЦИЯ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРГА 119 ТА НАСОС АГРЕГАТИ БИРКИТИРИЛГАН. ШУНДАН 6 ТА НАСОС СТАНЦИЯ ВА 11 ТА АГРЕГАТ ДҲШ БОШҚАРУВИГА БЕРИЛГАН.

Беруний, Тўртқўл, Эллиққала туманлари ҳудудларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва иқтисодиёт тармоқларига жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида насос станцияларимиз орқали Амударё ва ички каналлардан шўр ювиш мақсадида 113,3 млн. метр куб, сугориш мақсадида эса 220,5 млн. метр куб сув чиқариб берилди. Энергия дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 0,236 млн. кВт соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди.

Бошқарманинг ҳисобидаги давлат-хусусий шериклик асосида бошқаришга берилган 6 та насос станция бўйича ҳозирги кунгача жами 1382,9 млн. сум қийматидаги инвестиция мажбуриятлари бажарилди. Битта хусусий шерик фаолияти суд томонидан тўловга қобилиятсиз, деф топилиб, битим бекор қилинди ва бошқарма ҳисобига қайтарилди. Ҳозирда яна ДХШ бошқарувида бериш бўйича 2 та лойиҳанинг техник ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб, Сув хўжалиги вазирлигига тақдим қилинди.


Жорий йилда 65 донда давлат насос агрегатини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача 45 донаси таъмирланди.

Бошқармада “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини

амалга ошириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг баҳор мавсумида 15 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатларини экин режаси тасдиқланган бўлиб, бугунги кунда улар юз фозис экилди. Шунингдек, куз-қиш мавсумида ҳам 11 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатларини экин қўзда тутилган.

Ишчи-ходимларимизни қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида, ҳудудий бўлимлардаги насос станциялар атрофларида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 18 бош қорамол, 100 бош қўй-эчки, қолаверса, қурка ва товуқлар боқилмоқда. Бошқармага қарашли ер майдонларида етиштирилган мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ёрдамчи хўжаликларда боқиладиган чарва моллари ва парранда гўштлари ишчи-ходимларимизга мунтазам тарқатилмоқда. Лўнда қилиб айтганда, ушбу қўшимча имкониятлар уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга имкон бермоқда.

Жасур ХАЛИМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Беруний насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи.



(Боши 1-саҳифада)
Хорижий ҳамкорлар сафи кенгаймоқда

2025-2026 ўқув йилидан университетда қўшма таълим дастурлари ташкил этилди. Бошқирдистон давлат аграр университети билан “Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш”, “Агрономия”, Польшанинг WSB академияси билан “Бизнес бошқариш” йўналишида, Литваннинг Vytautas Magnus университети билан “Логистика” йўналишида, Туркиянинг Испарта амалий фанлар университети билан “Ўсимликшунослик”, “Ўсимликлар химияси ва карантини”, “Мевачилик”, “Чорвачилик” ҳамда Хитойнинг Шимолий ғарбий қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик университети билан “Чорвачилик”, “Ўсимликлар химияси ва карантини”, “Агрономия” Бизнесни бошқариш (Мастер оф Бусинесс Администрация-МБА) ва “Мевачилик” муттаҳасисликлари бўйича қўшма дастурлар ташкил этилди. Кореянинг Чунг университети билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги муҳитини яхшилаш ҳамда соҳада сертификатлаш тизимини яратиш ва





Истиқлолимизнинг 34 йиллиги кутлуг бўлсин!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

Тошкент давлат аграр университети: ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

самарали бошқариш мақсадида “Smart campus” очилди.

Жорий йилда 187 нафар талаба хорижий давлатларга иш ҳақи тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётига юборилиб, малака ва билимларини ошириб қайтди.

Тошкент давлат аграр университети 2024-2025 ўқув йилида 3 та таълим йўналиш: 60810900-Агрономия, 60811000-Ўсимликлар карантини ва химияси, 60811300-Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси таълим йўналишлари бўйича Германиянинг ASIIN-халқаро аккредитация ташкилоти ҳамкорлигида Халқаро аккредитациядан ўтказилди.



Талабалар учун қулай шароитлар

Университетда 26 та ташкилот ва корхона билан Дуал таълим (3+2) дастури ташкил этилган бўлиб, 135 нафар талаба тахсил олмоқда. Улар таълим олиш борабарида ҳар ой 3-5 млн. сўм маош ҳам олади. Талабалар чет тилларни билиш даражасига қараб академик гуруҳларга ажратилган ҳамда 4 та малакавий кўникмани ўзлаштиришга йўналтирилган дастур асосида ўқитиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, чет тилларини ўқитишга хориждан танлов асосида юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Хитойнинг Шимолий-ғарбий қишлоқ ва ўрмон хўжалиги университети билан ҳамкорликда Хитой тилини ўқитиш, JICA ташкилоти кўмағида Япон тилини ўқитиш ҳамда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида турк тилини ўқитиш марказлари ташкил этилиб, юз

нафарга яқин талабанинг тахсил олиши йўлга қўйилган.

Келажак сари дадил қадамлар

Университетда “Ўзмилийбанк” АЖ билан ҳамкорликда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ғояларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида “Келажакка қадам” маркази ўз фаолиятини кўрсатади. Унда битирувчи курс талабалари учун “Бизнес ғоядан тайёр лойиҳагача” мавзусида ва “Ўзмилийбанк” АЖ томонидан ишлаб чиқилган молиявий хизматлар пакети бўйича маълумотлар кенг тарғиб қилинмоқда.

Университетнинг тажриба хўжалигида ёшларнинг аграр соҳага бўлган қизиқишларини, амалий кўникмаларини ривожлантириш, соҳада хорижий илгор агротехнологияларни қўллаш бўйича дала семинарлари, жумладан, ФАО ҳамкорлигида “Дўстлик боғи”, “Сабзавотларни етиштиришда илгор тажрибалар”, “Ўрик ва олма сайли”, “Ғалла сайли” каби тадбирлар ўтказилди. Талабаларнинг амалий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва сақлаш дала лабораторияси ҳамда Смарт иссиқхона ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент давлат аграр университети сўнгги йилларда қабул жараёнларини такомиллаштириш, таълим



сифатини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш борасида сезиларли ютуқларга эришмоқда. Университетда амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун рақобатбардош, билимли ва малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилмоқда. Келгусида ўқув жараёнларига инновацион технологияларни кенг жорий этиш, илмий изланишларни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали минтақадаги етакчи аграр университетлардан бирига айланиши кутилмоқда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.





ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО УЗУМ САЙЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Анъанавий тадбир павильонларда ва Паркент туманидаги узум етиштириш бўйича етакчи марказлардан бўлган узумчилик фермер хўжалигида ўтказилди. Эътиборли томони, фестивал доирасида бизнес-семинарлар, хорижий ва маҳаллий етакчи мутахассисларнинг маҳорат дарслари, шарунгдек, бизнес шартнома тақдиротлар, музокаралар ташкил этилиб, зонанома ва битимлар имзоланди. Дастурдан юртимизнинг етакчи вино ишлаб чиқариш ҳамда қўшма корхоналарнинг тақдимот ва дегустациялари ўрин олди, нодир виноларни сотиш бўйича аукционлар ўтказилди. Шунингдек, ташир буюрган кўп-минг сонли меҳмонларни хушнуд қилиш учун фольклор жамоалари, эстрада қўшиқлари, халқ миллий урф-одат ва анъаналарини акс эттирувчи маданий дастурлар ташкил этилди. Энг яхши ошпазлар эса миллий пазандачилик маҳсулотлари, узумдан миллий ичимлик ва ширинликлар тайёрлаш маҳоратларини намойиш этдилар.

Мазкур фестивални ўтказишдан асосий мақсад,



давлатимизнинг туризм салоҳиятини дунёга намойиш этиш, миллий маҳсулотимиз брендининг жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминлаш, қадимий узумчилик ва виночилик тажрибаси ҳамда боғдорчилик маҳсулотларининг ноёб тур ва навларини кенг оммалаштириш, узум етиштиришнинг анъанавий усуллари ни қақшаган ҳолда, соҳага инновацияларни кенг қилиш, узумни сақлаш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари қўллашда ривожланган давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.



Фестивал доирасида соҳанинг етук мутахассис-олимлари иштирокида ўтган илмий-амалий семинарлар, шунингдек, кўрик-танлов ва хунармандчилик маҳсулотлари, миллий таомлар, либослар кўргазмалари ва бошқа маданий тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилгани меҳмонларнинг кўнгилли ҳордиқ олишларида алоҳида аҳамият касб этди.

Айтиш жоизки, узумчилик соҳасида Тошкент вилояти ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб, 13 турдан зиёд



узум навлари яратилган. Машҳур боғбон Ризамат ота ўз навини яратиб, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳозиргача “Ризамат ота” номи билан машҳур бу узум навини халқимиз севиб истеъмол қилишмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда яратилган 28 дан ортиқ хўраки ва винобоп узум навларининг 13 таси айнан Тошкент вилоятида яратилган.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда соҳага берилётган эътибор, приференция ва имтиёзлар натижасида соҳада бирмунча ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Тошкент вилоятидаги узумзорлар майдони 13 минг гектардан 19 минг гектарга етказилди. Уларнинг 38 фоизда сувни тежовчи технологиялар жорий этилди. Натижада, узумларнинг 40 минг тоннадан ортиқ қисми 11 та давлатга, вино маҳсулотлари 9 та давлатга экспорт қилинмоқда.

Фестивал нияҳосида номинациялар ғолиблари мукофотланди.

Марям АҲМЕДОВА,
журналист.

Ёшларни замонавий билим ва касб-хунарга эга қилиш, чет тилларини эгаллашига шaroит яратиш, илм-фан ва инновацияга кенг жалб этиш давлатимиз равнақи учун энг муҳим омилдир

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСЎЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ ИШЧИ ГУРУХЎНИНГ НАВБАТДАГИ ТАШРИФИ МУСТАҚИЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА НОРИН ТУМАНИДАГИ “ҒОЙИБ БУВА” ЖОМЪЕ МАСЖИДИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН НОРИНКАПА ҚИШЛОҒИГА БЎЛДИ.



ҲАМЖОРЛИҚ САМАРАСИ




ишлар самарадорлиги, тўй-маъракаларни белгиланган тартибда ўтказиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар, бунда “Ҳаж-2025” зиёратчиларининг фаол иштироки эътироф этилди. Маҳалла, гузар, хонадонлардаги ободонлаштириш ишлари, томорқалардан унумли фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш, кам таъминланган,

боқувчисини йўқотган оилаларга кўмак бериш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Мактаб, мактаб-гача таълим ташкилотлари билан узвий алоқаларнинг қандай самара бераётгани, таълим-тарбия масканларидаги шарт-шароитлар, ёшларнинг одоб-ахлоқи, ўқиш сифати, олийгоҳларга кириш даражаси ҳам эътибордан четда қолмади. Ишчи гуруҳ ҳудудда йўлга қўйилаётган ишлар кўламини юқори баҳолади ва “Ғойиб бува” жомъе масжиди тажрибасини вилоят миқёсида оммалаштириш тавсия этилди.

Шу куни тумандаги бошқа масжидлар фаолияти ҳам ўрганилди. Кўплаб оилалар ҳолидан хабар олинди, 51 нафар ўқувчига мактаб формаси ва ўқув қуроллари топширилди. Масжидда ўтказилган тадбир иштирокчиларига миллий дўппи совға қилинди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.



34-ЙИЛ – ТАРИХ УЧУН ҚИСҚА, АММО ХАЛҚ УЧУН БУЮК ДАВР

(Боши 1-саҳифада)

Шу билан бирга, мустақиллик бизга масъулият ҳам юклайди. Олдинда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар талайгина. Аввало, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат тамойилларини ҳаётга чуқур сингдириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатлаш мустақил давлатнинг энг муҳим шартидир. Бунинг учун коррупцияга қарши курашни қучайтириш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини инсонпарварлик ва адолат асосида ташкил этиш талаб этилади. Иқтисодий тараққиёт ҳам бутунги куннинг энг катта вазифасидир. Рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновацияларни ривожлантириш, энергетик мустақилликка эришиш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлигини оширишнинг энг асосий йўлларидан биридир. Шу орқали ҳар бир оила ҳаётида моддий барқарорлик ва қулайлик яратилади, ёшлар учун янги имкониятлар очилади.

Келажагимизнинг қалити – ёшлар. Уларни замонавий билим ва касб-хунарга эга қилиш, чет тилларини эгаллашига шaroит яратиш, илм-фан ва инновацияга кенг жалб этиш давлатимиз равнақи учун энг муҳим омилдир. Мустақилликнинг қадрига етадиган, миллий қадриятларни асраб-авайдиган, юрт келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр ёшларни тарбиялаш бизнинг энг катта вазифамиздир. Маънавий ҳаётда эса миллий анъаналаримизни замонавий дунёқарашлари билан уйғунлаштириш зарур. Глобаллашув шароитида бегона иллатлардан ҳимояланиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшлар онгига миллий гурур ва ватанпарварлик туйғусини сингдириш мустақиллигимизнинг асоси



Шажбоз МУРТАЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси талабаси.

бўлиб қолади. Бутунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида фаол ва муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Халқро майдонда мамлакатимизнинг нуфузи ортмоқда, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида салмоқли ҳисса қўшмоқда. Олдинда эса бу алоқаларни янада кенгайтириш, халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янги имкониятлардан унумли фойдаланиш вазифаси турибди. Хуллас, 34 йил тарих кўзи билан қараганда қисқа, аммо халқимиз учун буюк даврдир. Бу даврда эришилган натижалар бизнинг фахримиз бўлса, олдинда турган вазифалар бизнинг масъулиятимиздир.

Мустақилликнинг ҳар бир куни бу янги имконият, янги синов ва янги ютуқдир. Демак, энг катта вазифамиз – мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаб, келажак авлодларга буюк мерос сифатида топширишдир.

Эълон

Пыжьянова Надежда Ивановна номига 1994 йил 28 июлда 04-02/16674 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Қутлов

“КЕГАЙЛИ МАХСУСУВ ПУДРАТ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛИГИ КҮНИ

билан муборакбод этади. Ушбу шукухли кезларда
барча-барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт,
омад, кўнгилларда неки эзгу ниятлар бўлса,
барчаси рўёбга чиқишини тилайди.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА “ХОНАДОНБАЙ” УСУЛДА КАРТОШКА УРУҒИ ЕТИШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ғаллаорол туманида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ва сифатли маҳсулот етиштириш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, “Мулкуш”, “Қорис қудуқ” ва “Тулчамбар” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 35 та хонадоннинг жами 4,74 гектар ер майдонлари картошка экиш учун тайёрланди. Ушбу ер майдонларига Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд ИТСда етиштирилган маҳаллий тезпишар – “Тошкент эртагиси” ва “Ўзбекистон қизили” навларидан 15 тонна уруғлик картошка олиб келиниб экилди. Айни пайтда картошқалар униб, парваришланмоқда.

Шунингдек, туманда аҳоли томорқаларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида 15 та хонадоннинг 1,5 гектар ер майдонига Нўшдан (севок) пиёз уруғлари ҳам экилиб, ресурс тежамкор техноло-

гия асосида парваришланмоқда. Ушбу тадбир аҳоли эҳтиёжи учун сифатли маҳсулот етиштириш, шунингдек, бозорда ички талабни қондиришга хизмат қилади.

Барча ишлар Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан ҳимийлик маблағлари ҳисобидан ташкил этилди. Уруғчилик учун ўртача 200 миллион сўм сарфланиб, аҳоли томорқаларида илмий тавсиялар асосида агротехник тадбирлар олиб борилмоқда. Бу эса кишлоқ аҳолиси учун нафақат қўшимча даромад манбаи, балки уй хўжаликлари эҳтиёжини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Уруғчиликни
ривожлантириш
маркази ахборот
хизмати



“МИКРОКРЕДИТБАНК”
акциядорлик-тижорат банки жамоаси

юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
34 йиллиги
муносабати билан муборакбод этади.



**ЎСИМЛИКЛАР
КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ
АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ**

ватандошларимизни, шу жумладан,
ўсимликлар карантини ва ҳимояси йўлида
меҳнат қилаётган ҳамкасбларини

ИСТИҚДОЛИМИЗНИНГ
34 йиллиги
билан муборакбод этади.

Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб
юрган айни лаҳзаларда барчангизга
бахт-саодат, олиб бораётган эзгу
ишларингизда улкан муваффақиятлар
тилайди. Қалбларингиздан
шоду-хуррамлик, хонадонларингиздан
кут-барака аримасин.
Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин, азизлар!



Biznesni Rivojlantirish Banki

MUSTAQILLIGIMIZNING
34
yilligi
MUBORAK BO'LSIN!

**Mustaqillik bayrami
muborak bo'lsin!**

*Vatan uchun,
millat uchun,
xalq uchun!*

TA'LIM KREDITI
BRB ilovasida onlayn rasmiylashtiring

0%
Talaba
xotin-qizlar uchun
Imtiyozli davr **6 oy**

14%
Talaba
yigitlar uchun
Kredit muddati **7,5 yil**

BRB ilovasini yuklab olish uchun QR-kodni skanerlang

TA'LIM KREDITI
BRB ilovasida onlayn rasmiylashtiring

*Kredit - oliy ta'limot, xususiy, xaraji universitetlar va professional ta'lim tashkilotlarida bakalavr hamda magistraturaning kunduzgi ta'lim tashkiloti sifatida o'qiyotgan talabalarga ajratiladi.
*Ta'lim krediti talabalarining nomiga, faqat birgina jismoniy shaxs kafiligi yoki sug'urta bilan beriladi.

* Asosiy qarz rasmiy o'qish muddati tugagandan so'ng yettinchi oydan boshlab 7 yil davomida qaytariladi.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекси
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чори
ЛАТИПОВ**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимкул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-817. 1510 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40